

САЛИМЖОН ҲАМРОҚУЛОВ

ЯЙПАН:
СПОРТИМИЗ
ИФТИХОРЛАРИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2012

УДК: 794.1(575.1)(092)

ББК: 84(5Ўзб)7

Ҳ–12

Ҳамроқулов С. Яйпан: спортимиз ифтихорлари. /Публицистик мақолалар. Т.: «Янги аср авлоди», 2012, – 104 б.

ISBN 978-9943-08-899-3

Китобга “Яйпан: спортимиз ифтихорлари” номи рамзий маънода берилган бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт тарихига, уни мустабидлик давридаги аҳволи ва мустақилликнинг қисқа давридаги оламшумул ривож, оммавий спорт ривож орқали туманимиздан етишиб чиққан Республика, Осие, Жаҳон миқёсидаги мусобақаларнинг қатнашчиларига, фолибларига қалбининг амри билан ҳаётини жисмоний тарбия ва спортга бағишлаган мўътабар инсонларга бағишланиб, улар ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК: 794.1(575.1)(092)

ББК: 84(5Ўзб)7

*Ҳомийлар Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ва
Мирмуҳсин Акбаровга муаллиф ўз миннатдорчилик билдиради.*

Масъул муҳаррир:

Насибохон ҲОЖИМАТОВА

Тақризчилар:

Абдусамад УМАРОВ.

Педагогика фанлари номзоди, доцент.

Равшан РАСУЛОВ.

Педагогика фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-08-899-3

© Салимжон Ҳамроқулов, «Яйпан: спортимиз ифтихорлари». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

СЎЗ БОШИ

Азал-азалдан Республикамизда истиқомат қилувчи журналист – ҳамкасбларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги китобларини катта диққат ва эътибор билан ўқиб чиқишга ва улардан завқ-шавқ олишга одатланиб қолганман. Улар орасида миллионлар ўйини – футболга бағишланган рисоалар шубҳасиз биринчи ўринда туриши ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги йилларда нашрдан чиққан китоблар орасида истеъдодли спорт журналистлардан Владимир Сафаровнинг футболимиз юлдузлари Геннадий Красницкий ва Биродар Абдураимов ҳақидаги, Дилшод Исроиловнинг «Футбол сеҳрли оламига саёҳат ёхуд жаҳон чемпионатлари тарихидан», Аслиддин Болиев ва Ойбек Юнусовларнинг «Ўзбек футбол фидойиси» китоблари чарм тўп ўйини мухлисларига арзигулик совға бўлди.

Тошкентлик Дилшод Исроилов футболимиз ҳакамлари сардори Равшан Эрматов ҳақидаги асарини ёзиб тугатиш арафасидадир.

Яна бир иқтидорли қаламкашимиз, азалий дўстимиз Салимжон Ҳамроқулов ҳам куни кеча «Яйпан: спортимиз ифтихорлари» китобини ёзиб тугатди. Каминага маъқул бўлган томони шу бўлдики, ушбу янги асар жисмоний тарбия ва спорт соҳасига бағишлангандир. Туманнинг шу соҳадаги энг яхши спортчилари ва мураббийлари унинг саҳифаларида тараққийлаётгани билан танилган. Жисмоний тарбия ва спортни ривожланишига тамал тоши қўйганлардан бошлаб, ҳаётини бир умрга спортга бағишлаган фидойи инсонларни фаолиятини ёритиб бергандир.

Мустақиллик шарофати билан спорт соҳаси жадал ривожланиб бориб, қисқа давр ичида туманда Республика,

Осиё, Жаҳон мусобақаларида қатнашиб голиб бўлаётган ёшлар тилга олингандир.

Мен бу борада Яйпан футболининг машҳур вакили, ўйинчи сифатида ҳам, мураббийлик соҳасида ҳам эл суйган инсон Олимжон ака Акбаров ҳақида сўз юритмоқчиман. Яратганнинг ўзига шукроналар бўлсинким, ул зот билан бир неча марта суҳбатлашишга муяссар бўлганман. Олимжон ака хотирасига бағишланган турнирлар Яйпанда (фахрийлар ўртасида) ҳамда Тошкентда (журналистлар ўртасида) катта муваффақият билан ўтказиб келинмоқда.

Бир сафар Яйпандаги Олимжон Акбаров номли стадионда ташкил этилган хотира турнирида Республика футбол фахрийларидан Наримон Жалолов, Аҳрор Иноятов, Баҳодир Иброҳимов, Тўлаган Исоқов, Равшан Юнусов, Вилгельм Қаҳҳоров, Вячеслав Солохо, Розик Турғунов, адабиёт ва санъат вакилларида Турғун Азизов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Мадина Мухторова, Усмон Азим, Аҳрор Усмонов ва бошқалар ҳозир бўлишган.

Ўзбек футболининг 100 йиллик тўйи нишонланаётган ушбу мавсумда муҳтарам ҳамкасбимиз Салимжон Ҳамроқулов қаламига мансуб китоб жонажон юртимизда кун сайин ривожланиб бораётган жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада барқ уриб ўсишида ва камол топишида, ҳали унинг очилмаган қирраларини кашф этилишида, ёшларимизни спорт билан ошно тутинишларида муҳим ўрин эгаллашига умид қилиб қоламиз. Сиз туманда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиборни холисаниллу ёритиб бергансиз. Ижод қилиш ва изланишдан ҳеч вақт толиқиб қолманг, азизим.

*Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, мамлакат журналистларининг «Олтин қалам» Миллий
мукофоти лауреати, Республика
тоифасидаги хакам*

ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ҚАДИМИЙ ЯЙПАН ҲАҚИДА

Тарих фанлари доктори, профессор, хитойшунос олим Аблат (Абдулаҳад) Хаджаевни «Из истории древних тюрок» («Тафаккур» нашриёти, Тошкент, 2010 йил) китоби (215 бет) қадимий Хитой олимларининг манбалари асосида туркий қабилаларни, жумладан рузийлар, яйпанлар ва эфталитларни келиб чиқиш ва уларни миграция (кўчиш) жараёнига бағишланган бўлиб, эрамиздан аввалги икки минг йиллик ва эрамизни 7 асрларигача бўлган даврни ёритади.

Ушбу китобдан айрим маълумотлар

Хун авлодидан бўлган Ашина (Олижаноб бўри) қабила-си тахминан эрамиздан олдинги даврнинг охирида ва уларнинг авлодидан бўлган яйпанлар эрамизнинг бошида пайдо бўлган.

* * *

Хитойни «Ҳаршу» китобини 102 бобида ёзилишича, Яйпанлар авлоди Хун тангри юрти-пошшолигида бўлиб, тили қанғли тили билан бир хил бўлган (143).

* * *

Яйпанлар ҳукмдорлиги Усунни шимолий ғарбида бўлиб, шимолий хунлар хонлар армияси қўмондони Доу Сянем томонидан сиқиб чиқарилгандан сўнг улар Канқия давлатни томонга чекинишга мажбур бўлган (146).

* * *

Рузийлар билан урф-одатлари, тили яқин бўлган туркий қабилаларнинг яқинлигини қадимий хитой манбаларида яхши ёритилган.

Рузийларни хунлар билан урф-одатларини бирлиги «Цыань» луғатидаги маълумотда берилган (146).

* * *

Хитой маълумотларида Яйпан пошшолик номи бўлиб, 5 асрни биринчи ярмида шарқий Туркистоннинг Торим дарёсидан Балхаш кўлигача бўлган ҳудудга эгалик қилган.

Бу хонликни ташкилотчиси ғарбий хунлар қабилалари бўлган, кейинчалик Қанқия давлати томон миграция бўлаётган пайтда ҳозирги Кучар шаҳарини шимолига жойлашган, у ерни номини Юэбань, яъни хитой луғатида “гирдоб”, “айланма”, “жўш урмоқ”, “қайнамоқ” маъносини англатади. Хитой луғатларида бу ернинг этимологик маъноси берилмаган (178).

* * *

Шимолий Вей сулоласини вакиллари Дун Ван бошчилигида 436 йили Туркистонни Юэпань (Яйпан) пошшолигида бўлиб, уларни вакиллари ёрдамида Чоч ва қадимий Фарғонага борганликлари баён этилган (179).

* * *

Яда, яъни Эфталитлар давлати ташкил топгандан сўнг Яйпан давлати улар ичига қўшилиб кетган (204).

* * *

“Синцян Лиши цыдянь” китобидаги маълумотга кўра, Жанубий ва Шимолий династиялар даврида (420-550) Юэпань (Яйпан) давлати ўз ҳудудини Или дарёсига кенгайтириб гуллаб яшнаган даври бўлган. Аҳолиси 200 мингдан ошиқ бўлган.

* * *

«Бейшиш», «Тундянь» китобларини маълумотида Юэпань (Яйпан) давлати Илм водийсидан Иссиқ-кўл қирғоқларини эгаллаган. Бу маълумотларни асос қилиб оладиган бўлсак, Яйпан давлати ўзининг ҳудудини Балхаш кўлини шимолий-ғарбий қирғоқларигача кенгайтирган (179).

* * *

Япония тарихчиси Мацуда Хисао Эфталитлар давлати Яйпан давлатини негизда ташкил топган деб ҳисоблайди. Арманистон тарихчиларининг маълумотида ҳам 450 йиллари Яйпан давлати негизда Ида, яъни европаликлар ва рус адабиётчиларида эфлатитлар деб юритиладиган давлат тuzилганлиги ёзилган (181).

* * *

Яйпанлар – шимолий хун қабиласи авлодидан бўлиб, Яйпан давлатини асосчиларини этник келиб чиқиши шимолий (ғарбий) хунлар ҳукмдорларининг авлоди эканлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Улар хон армияси қўмондони Доу Сян томонидан сиқувга олингандан сўнг Олтой орқали Қанқия давлатига келганлиги ёзилган.

Ушбу маълумотлар “Тундянь”, “Тайпин хуньюй цзи” тарихий манбааларида ҳам ўз тасдиғини топган.

* * *

Яйпан (Юэпань, Юэбань) қадимда топоним сифатида аталиб, этноним сифатида Ўзбекистонни Фарғона вилояти ҳудудида ташкил топган. Уларни келиб чиқиши шимолий-ғарбий хунлар пошшолигига бориб тақалади. Шунинг учун Яйпанлар Хун ҳоқонлигини авлодидан эканлигига асос бор (203).

Хитой маълумотларига кўра, Яйпанлар тили ва урф-одати шарқий Туркистондаги Қангли билан бир хил бўлган (203).

УЛУҒ НЕЪМАТИНГГА ШУҚР

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди. 1992 йилда, сўнгра 2000 йилда янги таҳрирда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, 1993 йилда Соғлом авлод давлат дастурини ишлаб чиқилиши, Республика Вазирлар Маҳкамасининг спортни футбол, теннис, кураш каби айрим турларини ривожлантиришга оид қарорлари, хусусан 1999 йилда «Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 1 майдаги Қарори мамлакатда профессионал футбол клублари ташкил этишга йўл очди. Мазкур Қарорда футбол бўйича мурабийлар ва ҳакамлар Республика мактабини ташкил этишни назарда тутган.

Истиқлол даврида Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этишини таъминланди. 1992 йилда жаҳон шахмат олимпиадасида илк марта қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси 2-ўринни эгаллади. Ўша йили Барселонада ўтган ёзги олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медаллари олишди.

Умуман олганда, Ўзбекистонлик спортчилар 1991-2005 йилларда ўтказилган Жаҳон ва Осиё ўйинлари, жаҳон кубоги ва нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиб, 1871 та олтин, 1701 та кумуш, 1885 та бронза, жами 5457 та медал билан тақдирландилар.

Истиқлол даврида миллий қадриятларни қайта тиклаш бошланди. Жойларда халқ ўйинлари, сайллари ўтказила бошланди. Қадимий курашнинг халқаро андозаларга мослаштирилган қоидаси ишлаб чиқилди ва шу қоида асосида мусобақалар ташкил этилмоқда. 1998 йил 6 сентябрда Тошкентда 28 давлат вакиллари кураш халқаро асосацияси

(КХА)га асос солишди. Ҳозирда дунёнинг қатор давлатларида халқаро мусобақалар, ёшлар ўртасида жаҳон биринчиликлари мунтазам уюштирилиб келинапти. Миллий курашнинг яна бир тури – белбоғли кураш бўйича ҳам жаҳон чемпионатлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш ўқувчи ва талаба ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортдан самарали фойдаланиш давлат дастурларида, норматив ҳужжатларда белгиланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорлари болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғулланадиган спорт иншоотлари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди.

Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида уч босқичли оммавий спорт мусобақалари ўтказила бошланди. Умумий ўрта таълим мактабларида спорт мусобақаларини ўтказиш таълим – тарбия тизимига киритилди.

Ўзбекистонда спортни тарғибот қилиш тубдан янгиланди.

Юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийларни тақдирлаш учун 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», 1998 йилда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 4 ноябрдаги Қарори мамлакатда спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ишларини тақомиллаштиришда муҳим рол ўйнади. Ушбу қарор асосида

Ўзбекистон телерадиокомпаниясида 2004 йил 1 январдан «Спорт» телеканали фаолият кўрсата бошлади. Жисмоний тарбия ва спорт мавзусида қатор газета ва журналлар чиқарилиб, уларнинг сифати тубдан яхшиланди.

Улуғ неъматингга – мустақилликка шукр.

ЎТМИШДАГИ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА МИЛЛИЙ СПОРТ

Она юртимиз – Ўзбекистон заминида топилган археологик ашёлар, бизгача етиб келган қўлёзмалар шуни кўрсатадики, милoddan аввалги 4-1 минг йилликларда ҳам аждодларимиз турли ўйинлар машқлар билан шуғулланиб келишган. Йиллар ўтган сайин қадим Туронда ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда жисмоний машқлар ҳам ривожланиб борган.

II асрдаги Юнон ёзувчиси Клавдий Эллиан ўзининг аса-рида Туронзамин қизлари ўзларига қайлиқни кураш мусобақасида танлагани ёзилган. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» достонида кураш, мерганлик ва чавандозлик мусобақаларига катта ўрин берилган.

XIV-XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг барча соҳаларида бўлгани каби жисмоний тарбия ва ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу даврда кураш, қиличбозлик, шатранж (шахмат) каби турлар бўйича мусобақалар ўтказиб турилган ва ғолиблар катта мукофотлар билан шарафланган.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингандан сўнг Европа халқлари ўртасида оммалашган спорт турлари ўлкага кириб кела бошлади. Одамлар саломатлигини яхшилайдиган Туркистон халқи ўртасидаги халқ ўйинлари ва спорт турлари бўлган миллий кураш, улоқ-кўпкари, арғимчоқ, бекинмачоқ, оқ теракми кўк терак, тортишмачоқ, оламон пойга, соққа, елка кураш ва бошқа бир қатор ўйин ва миллий спорт турларига беписандлик билан қаралиб, айримлари тақиқланади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2356> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2356> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2356>